ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

БОЛАЛАР ПЕДАГОГИКАСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ

Юлдуз Кулназаровна Қушназарова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Севара Элёр қизи Бахтиёрова
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада янги фан “Болалар педагогикаси”да таълим жараёни масалалари таҳлил қилинган ва методик тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: таълим, педагогика, болалар, жараён, билим, касб, кўникма, тарбия, малака, компетенция.

EDUCATIONAL PROCESS IN CHILDREN'S PEDAGOGY

ABSTRACT

The article analyzes the issues of the educational process in the new subject "Children's pedagogy" and provides methodological recommendations.

Keywords: education, pedagogy, children, process, knowledge, profession, skill, upbringing, qualification, competence.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

КИРИШ

Ўзбекистон олий педагогик таълим жараёнида касбий ва мутахассислик фанларини такомиллаштириш, уларни ўқитиш жараёнини технологиялаштириш ва бўлажак ўқитувчиларни компетенцияли педагоглар сифатида тайёрлаш жараёни кечмоқда. Бу борада педагогик фанларни такомиллаштирилган тарзда ўқитиш вазифаси қўйилган[1]. Мазкур вазифаси ижроси жараёнида мактабгача ва бошланғич таълим йўналиши бўйича хорижий тил мутахассисларини касбий тайёрловчи “Болалар педагогикаси” ўқув фани ишлаб чиқилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Болалар педагогикаси” ўқув фани педагогик туркумдаги фанлардан бўлиб, унда 3-11 ёшли шахсларга билим бериш, уларни тарбиялаш ва кейинги таълим босқичига тайёрлаш бўйича бўлажак ўқитувчиларга касбий билим, кўникма, малака ва компетенция бериш назарда тутилган. Мазкур янга ўқув фанининг таълим жараёни ўзига хос тарзда ташкил этишни тақозо этади. Бизнинг назаримизда бу борада қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. ***Электрон-модулли ўқитиш***. “Болалар педагогикаси” таълим жараёнини электрон-модулли дидактик таъминот асосида ўқитиш кутилган самарани беради. Унга кўра, ўқитувчи томонидан мазкур фаннинг мавзулари бўйича матнлар тайёрланади ва электрон шаклли талабаларга тақдим этилади. Тақдим этилган матн мавзу тўғрисида маълумот, мустақил таълим топшириқлари ва амалий топшириқлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

билан биргаликда берилади. Бунинг натижасида талабалар аввал матн билан танишиб чиқиб, кейин мустақил топшириқларни бажаради. Мустақил топшириқлар бажарилган электрон тарзда ўқитувчига узатилади ва ўқитувчи уларни баҳолайди. Бундан ўқитиш шаклида аудитория соатлари 40 фоизни, мустақил таълим топшириқларини бажариш эса 60 фоизни ташкил этади. Шу сабабли электрон-модулли ўқитишда талабаларнинг фаоллиги ортади ва улар мустақил равишда мазкур фан асосларини эгаллайди. Электрон-модулли ўқитишнинг энг муҳим жихати шундаки, унда мавзулар матнларини қайта ишлаш ёки такомиллаштириб бориш имкониятлари мавжуд[2].

2. ***Масофали ўқитиш***. “Болалар педагогикаси” ўқув фанини ўқитишда масофали таълимнинг имкониятлари кенг. Унга кўра, ўқитувчи масофадан туриб, бутун мамлакат бўйича мазкур фан асослари юзасидан таълим бериши мумкин. Талабалар бевосита вертуал тарзда ўқитувчи билан алоқада бўлади ва ҳар қандай саволларига жавоб олади. Берилган топшириқлар ҳам вертуал тарзда масофадан туриб бажарилади. Бунинг натижасида ўқитувчи ва талабаларнинг вақти тежалади, талабаларнинг мустақил изланишлари учун етарли даражада вақт ажратилади. Масофали ўқитишнинг яна бир қулай жиҳати шундаки, унда ахборот-коммуникацион воситалардан кенг фойдаланиш мумкин. Масалан, мавзулар ёки модуллар мультимедиали шаклларда тайёрланиши мумкин. Бунинг натижасида талабада қизиқиш ортади ва уларнинг мустақил изланиши учун имкониятлар пайдо бўлади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

3. ***Устоз-шогирд анъанаси***. “Болалар педагогикаси” ўқув фанини ўқитишда Устоз-шогирд анъанаси кенг имкониятларга эга. Унга кўра, талабалар ўқитувчиларга бириктирилади ва талабалар исталган вақтида ўқитувчига мурожаат қилиши ёки фанни ўзлаштириш учун керакли адабиётлар билан танишиши мумкин. Бунда ўқитувчи талабани йўналтирувчи ва унинг ўзлаштириш жараёнини кузатиб борувччи вазифасини бажаради. Устоз-шогирд анъанаси ўқитувчи ва талабани тенг фаоллаштиради, уларнинг изчил ҳамкорлигини юзага келтиради. Бунинг натижасида мазкур фан асосларини ўзлаштириш имкониятлари кенгаяди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Болалар педагогикаси” ўқув фанини ўқитишда имкон қадар ноанъанавий ўқитиш шаклларига асосланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки мазкур фан бўлажак ўқитувчиларни қуйидаги муҳим компетенциялар билан қуроллантиради:

- 3-11 ёшли шахсларни саводхон қилиш;
- мазкур ёшдаги шахсларни жисмоний, ақлий ва аҳлоқий шакллантириш;
- бу ёшдаги шахсларни руҳий жихатдан ривожлантириш ва уларни ижтимоийлаштириш.

Эътибор берилса, мазкур компетенциялар бўлажак ўқитувчилар учун мухим ҳисобланади. Шу сабабли мазкур фан қуйидаги модуллар асосида шакллантирилган:

- болалар педагогикасида таълим;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

- болалар педагогикаси дидактикаси;
- болалар педагогикасида тарбия.

Ушбу модуллар асосида бўлажак ўқитувчиларнинг компетенциясини шакллантириш назарда тутилган.Бунда таълим жараёнини юқорида таъкидланганидек, ноанъавий шаклларда ташкил этиш самарали ҳисобланади.

“Болалар педагогикаси” ўқув фани олий педагогик таълим жараёнида мажбурий мутахассислик фани ҳисобланади. Шу сабабли мактабгача ва бошланғич таълимда фаолият юритадиган хорижий тил ўқитувчилари мазкур фанни мутахассислик фани сифатида ўқийди ва унда ўқитишнинг кредит-модулли тизимига асосланиш назарда тутилган. Шу сабабли мазкур фаннинг ўқитиш жараёнини янги шаклларда ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Олий педагогик таълим жараёнида ўқитишнинг кредит-модулли тизими бўйича педагогик фанларни мажбурий ва мутахассислик даражасида ўқитиш назарда тутилган. Шу жиҳатдан ушбу янги фан бўйича талабалар мўлжалланган кредитни тўплашлари лозим бўлади. Бунинг учун талабаларнинг фаоллиги, мустақил изланувчанлиги ва ўзи устида ишлаш муҳимдир. Бунда ўқитувчи йўналтирувчи ва маслаҳатчи сифатида кредит топшириқларини янгилаб ҳамда такомиллаштириб боради.

Ушбу фаннинг мавзулари матни ана шу эхтиёжлар асосида ишлаб чиқилган ва уларни электрон-модулли шаклда тақдим этишга мўлжалланган. Матнлар тавсиф, топшириқлар ва электрон-модулли таълим олиш шакллари сифатида тайёрланган. Шу жиҳатдан мазкур

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

фаннинг ўқув асослари қизиқарли ва замонавий технологияларга асосланиши билан ўзига жалб этувчи хусусиятга эга.

“Болалар педагогикаси” ўқув фани бўлажак ўқитувчиларнинг касбий билим, кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ушбу фан бўйича илмий-тадқиқот ишлари кучайтирилиши, янги типдаги ўқув адабиётлари яратилиши ва электрон-модулли матнлар тайёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун халқаро дастурлар тажрибасига таяниш ва ўқитишнинг турли технологияларига асосланиш лозим бўлади. Бизнингча, мазкур фаннинг тажриба-синов ишларини тўғри ва режали ўтказиш кутилган самарани беради.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, олий педагогик таълим жараёни янги ўқув фани билан бойитилгани ва мазкур фан бутунлай янги асаосларда шакллантирилганлиги билан мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун таълим берувчи ва таълим олувчиларни янги ахборотлар, билимлар ва технологиялар билан қуроллантириш зарурат бўлиб турибди[3].

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.// www.ziyonet.uz
2. Мардонов Ш.Қ. Педагогика фанидан ўқитишнинг электрон-модулли дидактик таъминоти технологияси. –Т., 2021.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-303-309

3. Жабборова О.М., Саидғаниева З.С. Бошланғич таълим педагогикаси: мазмун ва моҳият. //Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў, Нукус, 2021 №1/1 74-78 Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириў, -Нукус, 2021 №1/1 74-78